



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2017 -yil «08» 02

TOSHKENT

№ 184-НЗ

“Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув семинар ўтказиш тўғрисида”

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш, технологик жараёнлар асосида, зарарли ва хавfli иш шароитларини камайтириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш, ёнгин, электр ва саноат хавфсизлиги қоидалари, хавfli саноат объектларидан тўғри фойдаланиш, уларнинг касбий маҳоратлари ва билим савияларини ошириш бўйича ўқув семинарларини ўтказиш мақсадида, **буюраман:**

1. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Р.Асомхўжаевга, Йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Т.С.Исматиллаевга, Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси бошлиғи С.С.Асроровга, “Темирйўл ёнилғитаъмин” бошқармаси бошлиғи Р.Б.Рахимкуловга, “Термиз МТУ” УК бошлиғи О.Х.Ахмедовга, “Ўзтемирйўл контейнер” АЖ бош директори Ў.С.Астановга, “Ўзтемирйўл йўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга:

1.1. 2017 йил 30 январдаги жамият раҳбарияти томонидан тасдиқланган “Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва саноат хавфсизлиги бўйича ўқув семинарлар ўтказиш тўғрисида”ги йиллик жадвалига асосан, “Термиз МТУ” УК тасарруфидаги корхоналар, “Ўзтемирйўл контейнер” АЖ “Ўзтемирйўл йўловчи” АЖ, “Термиз” филиаллари ва “Термиз” ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди, ПМС-166, “Термиз” ёқилги омбори корхоналарида 2017 йил 12-28 феврал кунлари ўқув семинарлари ўтказилиши таъминлансин.

1.2. Жойларда ўқув семинарлари ўтказилиши учун алоҳида ўқитиш хонаси ва ишчи-ходимларнинг тўлиқ иштирок этиши учун, тегишли корхоналар раҳбарлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши таъминлансин.


2. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Р.Асомхўжаевга, хизмат сафарига юборилаётган тарғибот-йўриқчиси Ш.А. Лапасов билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисидаги” буйруғига асосан навбатдан ташқари йўл - йўриқ ўтказилсин.

3. “Термиз МТУ” УК бошлиғи О.Х.Ахмедовга жадвалда кўрсатилган манзилларда ўқув семинарлари ўтказиши учун автотранспорт ажратилиши таъминласин.

4. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в/б Р.А.Иноғомовга жадвалга асосан белгиланган тартибда хизмат сафари хужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Р.Асомхўжаев зиммасига юклатилсин.

Жамият бош менеджер-
бош муҳандиси



Х.Н. Хасилов